



# Ўзбекистонда мол-мулк, ер солиқларининг роли ва уларни такомиллаштириш йўллари

Садуллаев Расулбек Палванбаевич

Хоразм Маъмун университети нодавлат таълим муассасаси доценти

**Аннотация:** Тезисда мамлакатимизда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда шаффофликни таъминлаш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришда кўчмас мулкни солиқка тортишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, солиқ тўловчилар ва солиқ солиш обьектлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги, солиқ солиш мақсадларида кўчмас мулкларнинг бозор қийматини белгилаш механизми ва услуби йўқлиги, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаслиги, маҳаллий солиқлар ўз вақтида тўланмаслиги ва солиқ қарздорлигини кўпайиши маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, мол-мулк ва ер солигини унификация қилиб ўрнига босқичма-босқич кўчмас-мулк солигини жорий этиш, солиқ маъмуриятчилиги тизимида маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмига замонавий ахборот технологияларини қўллаш каби ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши ва амалий ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** мол-мулк солиги, ер солиги, қиймат, кадастр қиймати, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий ҳокимлик, солиқ обьекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси ва солиқ суммаси.

**Аннотация.** В данной научной работе в целях обеспечения прозрачности формирования доходов местных бюджетов и совершенствования механизма исчисления местных налогов в нашей стране существует ряд проблем в налогообложении недвижимого имущества, в том числе не в полной мере учтены налогоплательщики и объекты налогообложения. учета, отсутствует механизм и методика определения рыночной стоимости недвижимости для целей налогообложения, неполное выполнение налогоплательщиками налоговых обязательств, неуплата местных налогов в установленные сроки и увеличение налоговой задолженности оказывают негативное влияние на формирование местной налоговой задолженности. доходы бюджета, постепенное введение налога на недвижимость вместо единого налога на имущество и землю, актуальная информация о механизме исчисления местных налогов в системе налогового администрирования. Есть такие ситуации, как использование технологий, и важно разработать пути их решения и найти практические решения.

**Ключевые слова:** налог на имущество, земельный налог, стоимость, кадастровая стоимость, рыночная стоимость имущества, недвижимость, местный бюджет, местное самоуправление, объект налогообложения, налоговая база, налоговая ставка и сумма налога.

**Abstract.** In this scientific work, in order to ensure transparency in the formation of local budget revenues and improve the mechanism for calculating local taxes in our country, there are a number of problems in the taxation of real estate, including taxpayers and objects of taxation that are not fully taken into account. accounting, there is no mechanism and methodology for determining the market value of real estate for tax purposes, incomplete fulfillment of tax obligations by taxpayers, failure to pay local taxes on time and an increase in tax debt have a negative impact on the formation of local tax debt. budget revenues, the gradual introduction of a real estate tax instead of a single tax on property and land, up-to-date information on the mechanism for calculating local taxes in the tax administration system. There are situations such as the use of technology, and it is important to develop ways to deal with them and find practical solutions.

**Keywords:** property tax, land tax, cost, cadastral value, market value of property, real estate, local budget, local government, object of taxation, tax base, tax rate and tax amount.



Америка Кўшма Штатлари олими Борт Ричард ўзининг илмий изланишларида бозор иқтисодиёти шароитида ҳокимият бошқарув ислоҳотлари давом этаётган жараёнларида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, бюджетларни қисқа муддатли сиёсий манипуляция қилиш имкониятларини камайтириш учун бюджетни ўрта муддатли сарф-харажатлар тузилмаси доирасида амалга ошириш зарурлигини ўргангандан ва бу куйидагиларни ўз ичига олишини таъкидлаган. Режалаштириш ва устувор харажатларни баҳолаш, даромадни реал прогнозлаш, молиявий режалаштириш учун тегишли вақт горизонтини танлаш ва назоратни сақлаб қолиш деб илғори сурган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Бонфатти, Андреа ва Форнителарнинг фикрича, марказлаштирилган аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади<sup>2</sup>. Олиб борилган ўрганишларда 1999 йилдан 2012 йилгача Италия аҳолилари бюджетларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджет дефицитни камайтиришга асосан капитал харажатларни камайтириш орқали эришилган. Юқорида қайд этилган тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, капитал харажатларнинг камайиши аҳолининг ҳаёт сифатига таъсир қилиши мумкин, чунки капитал харажатлар биринчи навбатда аҳолиларнинг инвестиция фаолиятига қаратилган бўлади. Шундай қилиб, иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, маҳаллий давлат бошқарув ҳокимияти даражасида бюджет тизими децентрализациясининг асосий устунликлари бюджет жараёнларига аҳоли таъсирини ошишида, ўз-ўзини бошқариш тамойилларини мустаҳкамлаш ва бюджет-солиқ соҳасидаги аниқ белгилаб берилган ваколатлар ва кўрсатилган хизматларда намоён бўлади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси мавжуд ресурсларни сафарбар этиш бўйича кунлик мониторинг олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари параметрларининг бажарилишига, шунингдек давлат мақсадли дастурларини барқарор молиялаштиришнинг муҳим омили сифатида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш юклатилган<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туман, шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари давлат солиқ хизмати, молия органлари ва бошқа тегишли маҳаллий органлар ҳамда тижорат банклари билан биргалиқда ҳар бир туман (шаҳар)нинг ўзига хос хусусияти ва салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда қўшимча манбаларни излаш ва шу асосда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари параметрларини сўзсиз бажариш бўйича фаолият мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш белгиланган.

Қайд этиш жоизки, ривожланган мамлакатларда маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкил этиш кўп жиҳатдан маҳаллий давлат ҳокимиятига боғлиқ, яъни улар ўз бюджетларини мустақил равишда, ўз ҳудудларининг жойлашиши ва ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб

<sup>1</sup> Bird Richard M. 2000. “Setting the Stage: Municipal and Intergovernmental Finance” in Mila Freire and Richard Stren, eds., The Challenge of Urban Government: Policies and Practices (Washington, DC: World Bank, 2000), 113-28, at 122.

<sup>2</sup> Bonfatti, Andrea, and Lorenzo Forni. 2019. Fiscal Rules to Tame the Political Budget Cycle: Evidence from Italian Municipalities. European Journal of Political Economy 60: 1-22.

<sup>3</sup> Dosmagambetova, Gulmira. 2014. Decentralization in Kazakhstan as the Factor of Regional Growth Effectiveness. In SGEM 2014 Scientific SubConference on political Sciences, Law, Finance, Economics and Tourism. Bulgaria. Bulgarian Academy of Sciences, pp. 89-96. ISBN 9786197105254.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори.



белгилайдилар ва маҳаллий ҳокимиятларга маҳаллий солиқларни мустақил белгилаш ваколати берилган.

Мазкур ваколатни малакатимиз амалиётига ҳам жорий этилиши маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ўз ҳудудидаги ижтимоий – иқтисодий масалаларни мустақил равишда ҳал этиши учун, ҳар бир маҳаллий худуд ўз маҳаллий бюджетини ўзидағи мавжуд маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эвазига түлиқ шакллантира олса, бу худуд ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқа ҳудудларга нисбатан анча тез ривожланади.

Амалдаги солиқ қонунчилигида давлат солиқ хизмати идоралари томонидан маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг обьектларини ўз вақтида ҳисобга олиниши, солиқларни белгиланган муддатларда ҳисобланиб, солиқ тұловчиларга тұлов хабарномаларини етказилиши ҳамда солиқларни ўз вақтида ундирилишини назорат қилишни такомиллаштириш бүйича тегишли мөһөрлар белгиланган.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектлари ва ер участкаларига мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобланиши ва ундирилиши давлат солиқ хизмати ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш ҳамда ундирилган маблағларнинг маҳаллалар ихтиёрида қолдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. – Т.: «Адолат», 2023. – 473 б.
2. Bird Richard M. 2000. “Setting the Stage: Municipal and Intergovernmental Finance” in Mila Freire and Richard Stren, eds., The Challenge of Urban Government: Policies and Practices (Washington, DC: World Bank, 2000), 113-28, at 122.
3. Bonfatti, Andrea, and Lorenzo Forni. 2019. Fiscal Rules to Tame the Political Budget Cycle: Evidence from Italian Municipalitets. European Journal of Political Economy 60: 1-22.
4. Dosmagambetova, Gulmira. 2014. Decentralization in Kazakstan as the Factor of Regional Growth Effectiveness. In SGEM 2014 Scientific SubConference on political Sciences, Law, Finance, Economics and Tourism. Bulgaria. Bulgarian Academy of Sciences, pp. 89-96. ISBN 9786197105254.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори.
6. <http://www.lex.uz>.